Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 5 сентябрь, сешанба. №109 (21.872). Сотувда эркин нархда.

Э. ШЕВАРДНАДЗЕ:

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН ЖИДДИЙ ЮТУҚЛАРДАН ҲАЙРАТИМНИ ЯШИРОЛМАЙМАН

4 сентябрь куни Грузия давлат раҳбари, республика парламенти раиси Эдуард Шеварднадзе расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Байрамона безатилган Тошкент аэропортида Эдуард Шеварднадзега Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов пешвоз чиқди. Анъанага кўра, юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Аэропортнинг ўзидаёқ Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе ўзаро мулоқотда бўлди. Яккама-якка мулоқот шаҳардаги қароргоҳда ҳам давом этди.

Грузия давлати раҳбари шу куни Ўзбекистон Президенти ҳамроҳлигида пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги миллий боғга ташриф буюриб, буюк шоир ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Пойтахтимизнинг муҳташам Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон ва Грузия давлатлари расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Грузия давлат раҳбари Эдуард Шеварднадзе мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе шу ерда журналистлар билан учрашиб, уларнинг музокаралар натижалари ҳақидаги саволларига жавоб қайтардилар.

— Ўзбек ва грузин халқлари ўртасида азалдан дўстона муносабатлар шаклланган, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Хусусан, биз 1966 йилда Тошкентда рўй берган зилзила оқибатларини тугатишда Грузия кўрсатган беғараз ёрдамни асло унутмаймиз. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига Шота Руставели номи берилгани ҳам дўстлигимиз рамзларидан биридир. Айни пайтда мамлакатимизда 30 минг нафарга яқин грузин миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Мамлакатимизда грузин миллий маданий маркази кенг фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти музокаралар чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муносиб шаклларини топиш юзасидан фикрлашувлар бўлиб ўтганини таъкидлар экан, мамлакатларимиз ўртасида ҳукуматлараро ва муассасалараро йиғирмадан зиёд ҳужжат қабул қилинганини Грузия раҳбарининг ушбу ташрифи ғоят самарали бўлганининг далили сифатида қайд этди.

— Бу ҳужжатлар мустақил мамлакатларимизнинг азалий алоқаларини янги босқичда давом эттириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади, — деди Ислом Каримов.

Грузия давлат раҳбари Президентимиз фикрини маъқуллар экан, эришилган қимматли ютуқларимизни сақлаб қолиш, шунинг билан бирга, уларни янада ривожлантириш кераклигини таъкидлади.

— Мен Тошкентда илгари ҳам бир неча бор бўлганман, — деди Э. Шеварднадзе. — Бугун мен Тошкент буюк мустақил мамлакат пойтахтига хос чирой ва салобатга тўлиб бораётганини кўрдим. Ўзбекистон халқини истиқлолнинг 4 йиллик байрами билан яна бир бор муборакбод этар эканман, мамлакатингизда эришилган жиддий ютуқлардан ҳайратимни яшира олмайман.

Грузия давлати раҳбари бу муваффақиятларни қўлга киритишда Президент Ислом Каримовнинг нафақат ўз мамлакати, балки Кавказ, МДҲ ва жаҳон муаммоларини теран англаши муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов журналистларнинг саволига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон Грузиянинг ҳудудий бутунлиги тарафдори эканини яна бир карра қайд этди.

Ўзбекистон ва Грузия давлат раҳбарлари айни пайтда жаҳонда иқтисодий интеграциялашув жараёни кетаётганига эътибор қаратдилар. Дарҳақиқат, бундан 2 минг йил илгари халқларимиз Буюк ипак йўли орқали савдо ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирганлар. Ана шу азалий алоқаларни янги асосда тараққий эттириш давр талабидир. Шу боис Ўзбекистон ва Грузиянинг коммуникация соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олгани жуда яхши бўлди.

Ҳар икки мамлакат раҳбарлари қабул қилинган ҳужжатларни Ўзбекистон ва Грузия халқлари манфаатлари йўлида тўла амалга оширишга тайёрлигини изҳор этдилар.

Президент Ислом Каримов ва Грузия давлат раҳбари сафар ниҳоясида йирик давлат арбоби Шароф Рашидов қабрини зиёрат қилдилар. Унинг ёдгорлиги пойига гуллар қўйдилар.

Шунинг билан Грузия давлат раҳбари Э. Шеварднадзенинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди.

Аэропортда Грузия давлат раҳбарини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

СУРАТДА: ҳужжатларни имзолаш пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ ва А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Марказий Осиё ўйинлари

ТУРКИСТОН ДИЁРИДАГИ ДЎСТЛИК ВА ТОТУВЛИК МАДҲИЯСИ

2 сентябрь куни Ўзбекистон пойтахтида биринчи Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Тошкентдаги «Пахтакор» стадионини тўлдириб утирган 60 минг киши дор устида машъала кутариб бораётган Тоҳир Тошкенбоевни ҳаяжон билан кузатиб турибди... Мана, сўнгги масофа орқада қолди, машъала жаҳон кубоги эгаси, боксчи Наримон Отаевнинг қўлига топширилди. Яна бир сониядан сўнг қадимий Эллададан келтирилган Олимпиада олови стадиондаги улкан косада алангга олади, мусобақа байроғи кўтарилади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов спортчиларни, меҳмонлар ва спорт мухлисларини табриклаб, биринчи Марказий Осиё ўйинларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4 йиллиги байрам қилинаётган кунларда утказилиши чуқур рамзий маънога эгалигини таъкидлади. Бу ўйинлар янги истеъдодли спортчиларни кашф этибгина қолмай, қадимий Туркистон диёрида яшовчи халқлар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллиқни мустаҳкамлашга ҳам кўмаклашади.

Ислом Каримов Марказий Осиё ўйинлари спортчилар ва барча спорт мухлислари учун ҳақиқий байрам бўлишига ишонч билдириб, бу ўйинларни уюштиришда иштирок этганликлари учун Халқаро олимпия қўмитаси президенти жаноб Хуан Антонио Самаранчга, Осиё олимпия қўмитасининг бош котиби жаноб Раджир Сингхга ва қадимий Эллада вакилларига миннатдорлик билдирди.

Халқаро олимпия қўмитаси президенти жаноб Хуан Антонио Самаранч биринчи Марказий Осиё ўйинлари иштирокчиларига таб-ригида ўзининг Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда бу мамлакатларда спортни ривожлантиришга кўмаклашувчи халқаро мусобақаларда иштирок этаётганидан бахтиёрлигини таъкидлади.

Шунингдек, у биринчи Марказий Осиё ўйинларида олимпия руҳи — бирдамлик, дўстлик ва жипслик руҳи ҳозир булади деб ишонч билдирди.

Президент Ислом Каримов биринчи Марказий Осиё ўйинларини очиқ деб эълон қилади. Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон спортчилари Ўзбекистон пойтахтининг энг яхши спорт иншоотларида бир ҳафта давомида энг кучли спортчи номини олиш учун беллашадилар.

Марказий Осиё ўйинларининг очилиш маросимида республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов, дипломатия ваколатхоналарининг намояндалари ҳозир бўлдилар.

Тантана иштирокчилари ва меҳмонларига театрлаштирилган томоша — «Туркистон — умумий хонадонимиз» мавзуси билан бирлашган хореография, спорт ва мусиқий композициялар намойиш этилди.

Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими байрам мушкбозлиги билан ниҳоясига етди.

(ЎзА)

ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш, давлат мудофаа қудратининг асоси бўлган иқтисодиётни мустаҳкамлаш — Ўзбекистон раҳбариятининг асосий ишларидан биридир.

Сўнгги даврда республикамизда қўшинларнинг энг муҳим турлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган бир қанча ҳарбий ўқув юртлари ташкил этилди.

2 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясини очиш маросими бўлди. Бу воқеа мамлакатимиз Президенти, ҳукумати тинчлик ва барқарорликни таъминлашга доимий эътибор бераётганига яна бир ёрқин мисолдир. Мазкур тантана мамлакатимиз мустақиллигининг тўрт йиллиги нишонланаётган кунга тўғри келгани ҳам рамзий маънога эга.

Марказий Осиёдаги бу ягона олий ўқув юрти — Қуролли Кучлар академиясини очишга бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Президенти, республика Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримов иштирок этди.

Бу воқеага бағишланган тантанали йиғилишни республика мудофаа вазири генерал-лейтенант Р. Аҳмедов кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Президенти, республика Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримов йиғилишда сўзга чиқиб, Қуролли Кучлар академиясининг ташкил этилиши мамлакат ва халқ ҳаётида тарихий аҳамиятга моликлигини таъкидлади. Давлат бошлиғи бу ерда тўпланганларни мазкур ўқув юртининг очилиши билан табриклади ҳамда Қуролли Кучлар академиясининг очилиши мустақилликнинг тўрт йиллиги шонли байрами вақтига тўғри келганини алоҳида таъкидлаб, ҳарбий академия тингловчилари мамлакат мудофаа қобилиятини, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшадилар, ҳамиша ўз халқига, ватанига садоқат билан хизмат қилиш намунасини кўрсатадилар, деб ишонч билдирди.

Сўнгра йиғилишда сўзга чиққан академия тингловчиси подполковник Б. Тошматов, АҚШ Мудофаа вазирлигининг масъул ходими Элизабет Шервуд, Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В. Сметанин, академия бошлиғи, генерал-майор В. Маҳмудов Қуролли Кучлар академиясининг ташкил этилиши мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга экани, бу ўқув юрти ёш мустақил Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшажаги ҳақида гапирдилар.

Академиянинг очилишига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов, Бош вазир ўринбосарлари Ю. Пайғин, С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Ўзбекистондаги дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

(ЎзА мухбири).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг Токио банки бошқаруви раиси Тойо Гётенни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан самимий қутлади. Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар муттасил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Муносабатларимизнинг тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида тараққий этаётгани алоқаларимиз мустаҳкамланишининг муҳим омилидир, — деди жумладан Ўзбекистон раҳбари. — Биз ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Жаноб Тойо Гётен Япония ҳукумати Ўзбекистонга ажратган кредитлар Токио банки орқали амалга оширилиши ўзи раҳбарлик қилаётган банк учун шараф эканини айтди.

— Ўзбекистон иқтисодиёти сизнинг оқилона раҳбарлигингизда барқарор ривожланиш йўлига тушиб бораётгани японияликларни лол қолдирмоқда, — деди Т. Гётен. — Биз Ўзбекистон режалаштираётган улуғ ишларни амалга оширишда унга ҳамкор бўлишдан мамнунмиз.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Ў. Султонов, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Учрашувда шунингдек, Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укеэри Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА).

«Президент кубоги»

ЯНА ЎЗБЕКИСТОНДА УЧРАШГУНЧА ХАЙР

Тошкентдаги «Юнусобод» спорт комплексида «Президент кубоги» учун иккинчи халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Финалда марокашлик спортчи Карим Аламининг испаниялик теннисчи Хорди Аресcе билан учрашуви мухлислар учун кутилмаган воқеа бўлди. Қизиқарли ва кескин курашда марокашлик ёш спортчи тажрибали рақиби устидан ғалабага эришди.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида иккинчи «Президент кубоги» халқаро турнири иштирокчиларига мурожаат этиб, 14 мамлакат спортчилари ғалаба учун ҳалол ва мардона курашганини таъкидлади. Ғолиблик интилиши, иродаси ва ўйини савияси бўйича энг муносиб спортчиларга насиб этди.

Сизлар билан хайрлашар эканмиз, яна учрашишга умид қиламиз, деди Ислом Каримов пировардида.

Ўзбекистон Президенти Карим Аламини ғалаба билан қизғин қутлаб, унга фахрли кубокни тақдим қилди. Давлатимиз бошлиғи, шунингдек, иккинчи ўринни эгаллаган испаниялик Хорди Аресcени ҳам табриклади. Уларнинг иккаласи ҳам бундан ташқари Ўзбекистоннинг совғаси — автомобиль калитларини олдилар.

Тақдирланганлар — К. Алами ва Х. Аресcе Ислом Каримовга, барча теннис мухлисларига қўллаб-қувватлаганлари, маҳоратларини юксак баҳолаганликлари учун миннатдорчилик изҳор этдилар.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, «Президент кубоги» турнири ташкилот қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА).

Барот БОЙҚОБИЛОВ

САОДАТ ПАЙҒОМИ

(БОЛАЛИК ДЎСТИМГА)

Кел, Шукур, дўстим бугун Истиқлол айёмидур,
Насиб этган озодлик Оллоҳнинг инъомидир.

Умр ўтиб кетди деб, ўкинчга йўқдир ҳожат,
Қадрини топган пирлик Саодат пайғомидир.

Самарқандга қайтмак бор, йўқдур ёшликка қайтмак,
Ёшлигимиз қолган боғлар дўстликнинг маконидир.

Йўлимиз бўлмай равон кўрдик пасту баландни,
Ҳар ўтган кунга дилда шукрона каломидир.

Елдек зоя кетмади, хайриятки, умримиз,
Олий орзумиз энди Каъбанинг эҳромидир.

Худо умрни берса, ҳали узоқ яшаймиз,
Кўнглимизни кўтарган элу юрт икромидир.

Қиёматли дўст бўлиб қолгаймиз, иншоолло,
Бу шеърим сенга, Шукур, садоқат илҳомидир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятида

Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси ҳужжатларини ўрганиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан вазифалари тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигининг зўр шоду хуррамлик билан нишонланган турт йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси бўлиб ўтди. У мамлакатимиз, халқимиз тақдири учун ниҳоят даражада муҳим аҳамиятга эга қонун ва қарорларни қабул қилди. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов сессияда «Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз» мавзуида сўзлаган ёрқин ва пурмазмун нутқида мустақиллик йилларида юртимизда юз берган туб ўзгаришларга эътиборни жалб этиб, ўтган қисқа даврни асрга тенг, деб баҳолади ва халқимизни бунёдкорлик ишларини собитқадамлик билан давом эттиришга даъват этди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти шу муносабат билан мазкур партия ташкилотларининг мамлакатимиз парламенти учинчи сессияси ҳужжатларини ўрганиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. У сессияда қабул қилинган ҳужжатлар ва Республика Президентининг ундаги нутқида баён этилган қоида ҳамда вазифалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этаётган барча партиядошларимизга тўла тааллуқли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Котибият шу масала юзасидан қабул қилган қарорида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашлари зиммасига республика парламенти учинчи сессияси ҳужжатларини, юртбошимизнинг унда сўзлаган нутқини партиямиз барча аъзолари томонидан чуқур ўрганиб чиқилишини уюштириш вазифасини юклади. Партиямиз кенгашлари ушбу мақсадларда сиёсий тўгараклар, клублар, мунтазам мулоқотлар, учрашув ва давра суҳбатлари каби оммавий ишларнинг ранг-баранг шаклларидан фойдаланишда ХДП бошланғич ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатишлари зарур, деб топилди.

Барча даражадаги партия кенгашлари сессия ҳужжатларини аҳоли турли қатламлари ўртасида кенг тарғиб этиш учун тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятидан самарали фойдаланишлари даркор, дейилади қарорда. Бу ишга ХДП фаоллари, омма ўртасида ишлаш тажрибасига эга бўлган зиёлиларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Партиямиз марказий матбуот нашрлари таҳририятларига мамлакат Олий Мажлиси учинчи сессиясида қабул қилинган қонун ва қарорлар, давлатимиз раҳбарининг сессиядаги нутқида ифода этилган ғояларни тарғиб этувчи мақолалар эълон қилишини таъминлаш топширилди.

Котибият, шунингдек, сессия ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг ундаги нутқини ўрганиш ва тарғиб этишга доир суҳбатлар, мулоқотлар, мақсадли учрашувлар, илмий-амалий анжуманларнинг тахминий мавзулари ҳамда сиёсий тўгаракларнинг Намунавий иш режасини ишлаб чиқиш, уларни маҳаллий партия ташкилотларига юбориш керак, деган қарорга келди. Ушбу ҳужжатларнинг матни газеталаримиз саҳифаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Улкан дарахт шохлари

ЁРИТГИЧ

Бутун ҳаёти худди ёритгичдек ёниб турадиган одамлар бўлади. Баъзан бори эл, баъзан бори қавм, баъзан бирор соҳа кишилари уларнинг атрофида уюшади, жипслашади. Бундай ёритгич — одам сари мунавваралаблар талпинади. Ёритгич — одамлар якка-ёлгиз бўлсаларда, ўз ҳаётлари билан кўпчиликнинг умр йўлини ёритиб, нурафшон манзилдек ўзларига чорлаб турадилар. Агар дунёнинг маркази қаерда, деб сўрасалар, ўшандай одамларни кўрсатинг, адашмайсиз. Нега? Чунки давр деймизми, замон деймизми ёки бошқача атаймизми ана шулардаги энг илғор ғоялар, нуқтаи назарлар, энг илғор тажрибалар ёритгич — одамнинг бир ўзида, унинг эътиқодида мужассамлашади, уйғунлашади. Дангалини айтганда, биз — ақли ва иқтидори ўртача кимсалар, орамизда шундай тоғ — одамлар борлигини сезиб-сезмай ўтиб кетамиз. Назаримда, ҳали башарият ўз тасаввуридаги, ўз ҳаёлидаги бир ойдин бекатни қидириб бормоқда экан, ойдин бекатлар эҳтимол, шундоқ ён-веримиздадир. Машҳур шоир одамларни заминдаги юлдузларга қиёслаганди. Хайриятки, одамзотнинг бахтига шу юлдузлар орасида яккаярим офтоб ҳам бор. Эҳтимол, ойдин бекат деган тушунча кўпинча заминдаги ана шу ёруғ қуёшлардадир.

* * *

Хоразм нафақат ўзининг баланд-баланд миноралари, балки бу миноралардан ҳам юксакюксак, номдор-номдор одамлари — кайвонию сарбонлари, оқсоқолу ёшуллилари билан донг таратган. Мабодо, халқ маданиятининг даражаси, бир жиҳатдан, унинг нечоғли қадимийлиги билан ўлчанади, деган илмий қоида тўғри бўлса, бу ғузал ва серфайз дунёнинг жуда кўп кишварлари таъзим ва қуллуқ билан Хоразмга йўлни бўшатиб берадилар. Ахир, дунё Хоразмни шоирлари, санъаткорлари, математика мактаби орқали яхши танийди. Юқорида ёритгич — одамлар ҳақида фикрлашган эдик. Хоразм ўзига хос ёритгич — юртдирки, мабодо тангри таоло ўз қудрати ва каромати ила бу ўлкани яратмаганда эди, сочсоқоли оқ бу очун жудаям кемтик бўлиб қоларди.

* * *

Ёритгич — юртнинг ёритгичи-одамларидан бири Ғайрат Машарипов ҳақида эшитгандирсиз. У, бир одам ўзининг кичик умрикатта ҳаёти мобайнида нима ишлар қилиши мумкин бўлса, барини қилди. Тегирмонлардан бутун чиқди. Чиғириқлардан омон ўтди. Мансабу мартабаларни кўрди. Замона зайлига кўра ёлғоннинг томорқасига ўтиб кетилган пайтларда доимо ҳақиқат томонда, эл томонда бўлди. Ҳозир ҳам ўз эътиқоди томонда.

Мен ундан:

— Ортингизга қараб, кўнглингиз тўладими? — деб сўрайман.

У жавоб беради:

— Ортингга боқсанг, бир пайтлар тўғри санаб бажарган ишларингдаги хато камчиликлар, бирор бир мураккаб вазиятдан чиқиб кетиш учун танлаган йўлингдаги пухта ўйланмаган жиҳатлар, маълум бир вақт ўтгач, ошкор бўлиб қолади. Шундай пайтда инсоннинг яшалган умрига инсон аъмолига Фурсат киритаётган таҳриндан ҳайратланасан. Барибир ақлимиз қусурлигидан ўксинасан. Аъмолингга ўт тушгандек қийналасан.

— Мен ундан:

— Бахтлиман деб айта оласизми? — деб сўрайман.

У эса:

— Гарчи бахт сўзи энг ёқимли сўз бўлса-да, уни элимдан кейин айтаман, — деб жавоб беради.

* * *

Ғайрат МАШАРИПОВ — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби. У етакчи сифатида вилоят партия ташкилотининг фаолияти тўғрисида сўзлар экан, деди:

— Вилоят партия ташкилоти бугунги кунда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган энг салмоқли, уюшган сиёсий кучга айланган. Биз ҳамиша халқ орасига кириш, унинг қувончу ташвиши, дарду шодлигига шерик бўлиш, оғирини енгил қилиш, унга кўмаклашиш, ҳал бўлмаётган муаммоларни ечиш йўлларини излаш, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлайдиган тадбирлар ўтказиш турли анжуманлар, йиғинлар орқали одамларимизда мустақил фикрни шакллантириш, Ватанимиз иқболини, келажак истиқболини кўзлаб иш тутиш йўлидан боряпмиз. Бизни ҳаракатга келтираётган ички куч юртимизнинг Иқбол Ватани эканига бўлган ишончдир... Партия ташкилотимиз ҳар йили икки мингга яқин аъзога кўпаймоқда.

Барча бўғиндаги партия ташкилотлари маҳаллий ҳокимиятлар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилоти, фахрийлар, хотин-қизлар кенгашлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликнинг самарали восита ва йўлларини излаб топиб, сиёсий, маънавий масалаларда фаолият кўрсатмоқда. Истиқлол мафкурасини шакллантиришга ҳисса қўшмоқда.

Улар Ўзбекистон ХДП раиси, Республика Президенти И. А. Каримовнинг Фармонларидан, китобларидан, Олий Мажлиснинг биринчи, иккинчи, учинчи сессияларида сўзлаган маъруза ва нутқларидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар асосида аниқ вазифаларни белгилаб олишди. Оммавий-сиёсий ишнинг хилма-хил шакллари: очиқ партия йиғилишлари, аҳоли билан учрашув ва суҳбатлар, ягона сиёсий кунлар, сиёсий тўгарак машғулотларидан кенг фойдаланмоқдалар. Миллий анъаналар ва қадриятларнинг қайта тикланишида бевосита иштирок этмоқдалар.

Лўнда қилиб айтганда, партиятирик организм. У ҳаёт билан қанчалик чамбарчас боғлиқ бўлса, шунчалик яшовчан бўлади.

* * *

Ғайрат МАШАРИПОВ агрономолим. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академиясини тугатган. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди. Меҳнат фаолияти 1959 йилда Хоразм вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи сифатида бошлади. Сўнг шу бошқарма бошлиғининг ўринбосари, вилоят қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси директори вазифаларида ишлади. 1968 йилдан буён турли даражадаги партия ишларида ишлаб келмоқда.

Меҳнат фаолияти давомида Ғ. Машарипов ўзининг меҳнатсеварлик, диёнатлик, ташаббускорлик, тажрибали раҳбар ва малакали ташкилотчилик фазилатларини намоён этди.

У доимий равишда ўз илмий-назарий ва мутахассислик савиясини ошириб боради. Янгиликка интилади—ижодкор. Топширилган ишга масъулият билан ёндошади. Ўзига ва ходимларга нисбатан талабчан.

Қишлоқ хўжалиги масалалари билан илмий асосда шуғулланар экан, у вилоят ҳамда республикада шу соҳани ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Ғ. Машарипов Гурлан туманининг раҳбари бўлиб ишлаган йилларда туманда ишлаб чиқариш ва қурилишни, маиший хизмат соҳаси ва айниқса қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш бўйича кўп ишлар амалга оширилди. Бу давр мобайнида янги ерлар ўзлаштирилди, янги шоличилик хўжаликлари ташкил этилди. Пахта, дон, полиз маҳсулотлари, мевачева етиштириш, боғлар ва узумзорлар кўпайди. Колхоз ва совхозларнинг иқтисоди мустаҳкамланди. У ўн бир йил мобайнида вилоят раҳбарининг аграр масалалар бўйича муовини вазифасида ишлар экан, бор малакаси ва маҳоратини хўжалик юритишнинг илмий асосли ва иқтисодий манфаатли услубларини жорий этишга, илғор тажрибани ёйишга йўналтирилди.

Ғайрат МАШАРИПОВ 1991 йилнинг ноябридан бошлаб — Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби. Катта сиёсий-партиявий иш тажрибасига эга. У ўз назарий билимини амалий фаолиятда моҳирлик билан қўллай олади. Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби қилиб сайлангач, партия ташкилоти қисқа муддатда мураккаб йўлни — ташкилий тикланиш, ўз бўғинларини такомиллаштиришдан тортиб, амалий ишларга ўтишгача бўлган катта йўлни босиб ўтди. Тўғри сўзлик, ҳақиқатга таяниш, илмийлик, оддийлик ва соддалик, партиявий ахлоқ, одамларни тинглаш ва тушуниш малакаси, халқ ва партия олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этиш. Ғ. Машариповнинг партия ходими сифатидаги фазилатларидир.

Ғ. Машарипов вилоят фаоллари ва меҳнаткашларининг ҳурмат-эътиборига сазовор.

У Олий Мажлис депутати. Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси. Депутат сифатида тез-тез сайловчилар ҳузурида бўлади. Меҳнаткашларнинг истак ва таклифларини амалга оширишда, уларнинг турли муаммоларини ҳал этишда жонбозлик кўрсатади.

Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари, турли медаллар билан тақдирланган.

* * *

Қишлоқ хўжалиги масалалари хусусида гап кетганда Хоразмда Ғайрат аканинг олдига тушадиган одам кам дейишади. У барча рақамларни ва йилларни, барча турларни ва номларни тўхтамасдан ёддан айтиб бераверади. Фавқулодда кучли хотирага эга.

* * *

Ғайрат ака ёритгич — юртнинг ёритгичи одамларидан бири. Мен куни кеча уни учратиб қолдим. У Олий Мажлиснинг учинчи сессиясидан ҳаяжон билан чиқди. Ғайратига ғайрат, шахтига шахт қўшилган. Қирчиллама йигитлардек дадил ва шахдам қадам ташлайди.

Салим АШУР.

Ахмаджон МЕЛИБОЕВ

ҲАР КИМ ЎЗ ИШОНЧЧИНИ ЎЗИ ЯРАТАДИ

Дунё ҳамон ўзгариш палласида турибди. Бугунги куннинг биз идрок этаётган бош хусусияти ҳам шунда. Ён атрофимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг фавқулодда шиддати ҳам шу ҳолат билан боғлиқ. Узоқ йиллар давомида бири оқу бири қора дея накд иккига бўлинган, энди эса бир-бирига яқинлашаётган, бир-бирига интилаётган дунёнинг кўзлари умидга тўла: зўрлик пойдевори устида тикланган салтанатлар бирин-кетин парчаланмоқда, сиёсий, мафкуравий манфаатлар йўлида бўлаклаб ташланган давлатлар, миллатлар бирлашмоқда. Ўзгараётган, қайта қарор топаётган дунё олдида мана шундай шиддатга дош бериш, бу ўзгаришларнинг иқтисодий ва маънавий тўлғоқлари силсиласидан қурбонларсиз ўта олиш имтиҳони туради. Лекин, нима бўлганида ҳам, узоқ йиллар давомида аввалдан маълумлаб қўйилган йўналишлар қобиғида яшаб келган, мустақиллик фикри, ҳурлик истаги жиловлаб ташланган кечаги кун одами учун бугун дунё миқёсида кечаётган ўзгаришларни ҳазм қилиш осон эмас. Чунки бугун биз оддий арифметикадан математикага, уни-да ўзлаштириб олий математикага ўтаётган ўқувчиларга ўхшаймиз.

Дунё саволлар гирдобида қолгандай...

Собиқ Иттифоқнинг буюк меросхўри бўлмиш Россия ўз бошидан ғоят мураккаб ва чигал жараёнларни кечираётир. Чеченистон воқеалари, бу ғайриахлоқий қирғинбарот ҳар икки томон шаънига ҳам асримизнинг сўнгги беш йиллиги даврида юз берган буюк сиёсий ношудлик сифатида муҳрланади. Ким билан ва нима учун урушаётганини англаб улгурмаёқ ўз ўқларидан ўзлари қурбон бўлаётган навқирон йигитларнинг умри уволига ким жавоб беради?

Уруш ва унинг аянчли оқибатларига доир суҳбатларидан бирида Чингиз Айтматов «тарихнинг бир нотантилиги шундаки, у не-не қатлиомлар келтириб чиқарган, миллион-миллион кишиларнинг ёстиғини қуритган фотиҳу саркардалар номини ўз бағрида сақлаб қолгани ҳолда бу урушларнинг бегуноҳ қурбонлари ёдини унутиб юборади», деган фикрни айтган эди. Бу жуда аччиқ ҳақиқат. Истаймизми-йўқми, Дудаев ҳам, Басаев ҳам шу қирғин тарихида қолади. Аммо тунда уйқусидан уйғотилиб ватан топшириғини бажариш учун Чеченистонга юборилган, ҳали уйқуси қочмаёқ танк ичида қуйиб кул бўлган йигитчаларнинг хотиралари нима бўлади?

Биргина Чеченистон эмас, Россияда бугун юз бераётган бошқа кўп воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаб етиш қийин. Одамларнинг кўзи ўнгида йиллар давомида мисқоллаб йиғилган мол-мулк талон-торож қилинмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, ноқонуний йўллар билан хорижга олиб чиқиб кетилган маблағлар миқдори 120-150 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Жиноятчи тўдалар йирик банк эгалари, сармоядорлар ҳаётига тажовуз қилмоқда. Бизнес билан шуғулланиш бу ерда ўта хавфли машғулот бўлиб қолди.

Муаммолар тўлиб ётибди. Ўта оғир шароитларда кўмир қазиб чиқараётган шахтёрларга тўлагани пул йўқ. Солженицин жаноблари Россияни қайтадан тиклаш йўлидаги буюк маслаҳатлари билан банд. Гавриил Попов бугунги инқироздан чиқиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида китоб ёзган бўлса-да, ўз саволига афтидан ўзи жавоб топа олмаган кўринади. Собиқ ҳукумат бошлиғи Егор Гайдар ҳамон «500 кун» деб номланган хаёлий дастур таъсирида юрибди. Бу орада киноижодкорлар «Курочка-ряба», «Окно в Париж» деб номланган ва тезда машҳур бўлиб кетган фильмлари билан 1991 йилнинг августида демократлар қўлига ўтган Россиянинг бугунги маънавий-ахлоқий қиёфасини моҳирлик билан кўрсатиб бердилар. Ҳибсхоналардан бирида ғўзаллар конкурси бўлиб ўтди. Дума депутатини ўлдириб кетишди...

Шуларни ўйлар экансан, кенг жаҳон жамоатчилигининг «Россияда нималар бўлаяпти ўзи, умумбашарий маънавият оламининг не-не алломаларига бешик бўлган, улуғ даҳоларни вояга етказган бу тупроқда кечаётган бугунги чигал ва тушунарсиз воқеаларнинг сир-синоати нимада?» деган саволига беихтиёр қўшилиб кетасан. Таниқли иқтисодчи олим Г. Лисичкин «Труд» газетасида эълон қилган мақоласида «Россиянинг касали нимада?» деган саволни ўртага ташлайди ва ўзи жавоб қайтаради: касаллик ташхисини иқтисоддан эмас, маънавиятдан қидириш керак. Россия энг аввало, руҳан бемордир. Инсоннинг ўзи ўзгармас экан, ҳар қандай номақбул, бадном системани янгилаш ёки ағдариб ташлаш билан ҳам мақсадга эришиб бўлмайди!

Жуда аниқ ва ўткир жавоб. Янгича шароит янгича тафаккурни, ўзликни англаш билан боғлиқ янги эътирофларни ҳам талаб этади. Михаил Горбачев бошлаган қайта қуриш сиёсати, аслида, керак сиёсат эди. Аммо уни инсон қалбидан, маънавиятидан, кирланиб кетган дилларни поклашдан эмас, умри аллақачон тугаб бўлган тузумни, мафкурани таъмирлашдан бошладилар. Демак, бундан англашиладиган хулоса шуки, қайта қуриш руҳидаги жамики тадбирларнинг мақсади бевосита инсон маънавиятига қаратилмоғи керак. Ўзликни танқидий идрок этиш, бу қўҳна дунё жуда кўп, жуда ҳам кўп миллату элатлардан ташкил топганлигини, уларнинг ҳаммаси ва ҳар бири сен каби яшашга, фикрлашга, курашишга, ўтмиш аждодлари билан ғурурланишга, ўзига мақбул турмуш тарзини белгилашга, ўз меҳнати неъматларидан баҳраманд бўлишга, қисқаси ўзлигини намоён қилишга ҳақли эканлигини тан олиш пайти келди. Бир вақтлар Ленин коммунизм қурилиши манфаатларига мос келмайдиган нарсаларнинг ҳаммаси биз учун ётдир, коммунистик ахлоқимиз учун бегонадир, деган эди. Большевиклар мана шу машъум ақидага сўнгги соатларгача амал қилиб келдилар. Энди шароит ўзгарди, инсоният тараққиёти равон йўлга чиқди. Бас, шундай экан, Г. Лисичкин айтиб ўтганидек, энди большевикларга хос фикрлашдан тийилмоқ керак.

Ишонч — улуғ ва муўтабар туйғу. У осмондан лоп этиб тушадиган ёки енгил эришиладиган инъом ҳам эмас. Қаровсиз уйнинг афсонавий дераза-сидан бир сакраб... тўппа-тўғри фаровон Парижга бориб қолиш бадиий тафаккурга хос ғўзал тўқима бўлгани каби, кечаги куннинг инкор этилган сохта ҳақиқатлари, собиқ империянинг учқур ракеталари қаноти остида қозонилган «ишонч»га бугун ҳам кўз тикиб ўтириш — ғўзал хаёлдир.

Ҳар бир киши, ҳар бир давлат, ҳар бир миллат ўз ишончини ўзи яратади. Ишонч — лафз ва субут, сўз ва иш бирлиги, ҳалоллик, поклик, адолатлилик ва яна қанча шу каби фазилатлар мевасидир. Рус халқининг буюк зиёли фарзандлари миллат эртасини айни мана шу фазилатлар амалида кўрган эдилар, шунинг учун курашган, жон фидо қилишган эди. Чунки, ишончсизлик ҳамма нарсани беаёв емиради. Ишонч ҳар бир кишининг, ҳар бир жамоанинг, ҳар бир давлатнинг лафзида, амалларида, жорий этилган тартиб-интизомларида, қонун-қоидаларида бўлмоғи керак. Америка Қўшма Штатлари ва бошқа қатор Ғарб давлатлари иқтисодий ҳаётига оид бир таомил бор. Ҳатто оғзаки келишилган, аҳдлашилган шартномаларга ҳам қатъий амал қилиш керак. Бу қоидани атиги бир бор бузган, сўзида турмаган, ваъдасини бажармаган кишига, компанияга нисбатан ишонч сусаяди.

Буларни шунинг учун ҳам айтмоқдамизки, «руҳан бемор» бу улкан диёрнинг дарддан фориг бўлиб кетишини миллатпарвар россияликлар қатори биз ҳам истаймиз. Бу ерда ишлар жўнашиб кетишидан, қадим рус маънавияти қайта тикланишидан биз ҳам манфаатдормиз. Чунки биз тарихан қўшниларимиз. Қўшнинг тинч — сен тинч...

Юртбошимиз Ислом Каримов Давос кенгаши сўнгидаги анъанавий телемулоқот чоғи жаҳонда Ўзбекистонга нисбатан ишонч тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу боис ҳам йирик сармоядорлар, савдо-саноат доираларининг вакиллари, йирик банк эгалари юртимизга пешма-пеш ташриф буюришмоқда. Улар мустақил Ўзбекистон танлаган йўлнинг моҳиятини, Асосий Қонунимизнинг инсонпарварлик руҳини, иқтисодий тараққиёт борасидаги тамойиллар мазмунини чуқур англаган ҳолда биз билан мулоқотга киришмоқдалар, ҳамкорлик қилмоқдалар. Жаҳондаги энг йирик давлатлар раҳбарларининг юртимизга ташрифи, ўз юртларида Ўзбекистон раҳбарларини алоҳида иззат-икром билан кутиб олаётганлари, бизда наинки эҳтиёж, айни пайтда ўрганишга арзирли тажрибалар ҳам борлиги тўғрисидаги эътирофлари фикримизга далил бўла олади.

Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан ҳурматли юртбошимиз, халқимиз номига келган самимий қутловларда, хусусан Америка Қўшма Штатлари Президенти Б. Клинтонннинг байрам табригида бу нарса янада яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон жаҳонга ишонч билан чиқмоқда. Бундан фахрлана билайлик. Ва яна шуни билайликки, бугун сизу бизга мана шу катта ишонч орқали миллат ва Ватан тақдири ишониб топширилган. Демак, ҳар биримиздан шунга яраша иш, шунга яраша садоқат, шунга яраша фидойилик талаб этилади. Ишчидан вазиргача, талабадан ноибгача, деҳқондан ижодкоргача — ҳар бир киши ўз бурчини чин дилдан адо этар экан, бу кичик ва алоҳида-алоҳида ишончлардан катта ва улуғ ишонч келиб чиқади.

— Мен жойлардаги учрашувларда, кундалик мулоқотларда, ҳаётдаги янги ва яхши ишлар туфайли одамлар юзида ишонч, мамнуният ифодаси акс этиб турганини кўрсам, бир олам кучғайрат топаман, — дейди юртбошимиз, — эгнига тўн, бошига дўппи кийган, қўли қадоқ меҳнаткаш кишилар билан, фаришталр отахонлар билан учрашганимда, уларнинг юз-кўзида, чеҳрасида ўтган кунидан розилик, ҳаётдан хурсандлик аломатларини кўрсам, бошим кўкка етгудек бўлади. Улар бизнинг ишларимизни қўллаб-қувватлаб турганини, уларнинг юрагида эртанги кунга ишонч барқарор эканини ҳис этмоқдан ортиқ бахт борми!

Юртбошимиз Швецариянинг Алтендорф шаҳрида Ўзбекистоннинг йирик савдо уйи очилиши маросимида «Мамлакатимиз жаҳоннинг энг ривожланган, банк тизилмаларининг улкан тармоғига эга бўлган мамлакатлардан бирида ташқи иқтисодий фаолият юритиб, Буюк Ипак йўлидаги Шарқ билан Ғарбни бирлаштирувчи бўғин сифатидаги ўзининг тарихий ўрнини тикламоқда», деди. Шарқу Ғарб ўртасида бундай ишонча сазовор бўлиш бугунги куннинггина ютуғи эмас, келажаги буюк давлат қураётган Ўзбекистоннинг фарахли эртаси ҳамдир.

ФОНДНИНГ ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ

1995 йилнинг 15 августида **Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаш материаллари ва тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиси бўлмиш «Каноп» хусусий фирмасига уч миллион Америка доллари миқдорида инвестиция бериши ҳақидаги битимни эълон қилди. Фонднинг молиявий ёрдамида «Каноп» юқори сифатли каноплн жойлаш материалларини ишлаб чиқариш ва технология даражасини оширади.

«Каноп»нинг президенти ва ижроия директори Демьен Осадчук шундай деди: «Биз ушбу акционерлик жамиятига Марказий Осиё—Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди каби ҳамкор билан аъзо бўлишдан боғоят хурсандмиз. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар катта имкониятлар очмоқда.

«Каноп»нинг вице-президенти Владимир Иванов, бунга қўшимча қилди: Марказий Осиё—Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди билан ишлаш ғоят ёқимлидир. У лойиҳани ва амалга оширилаётган бизнесни ўз вақтида ва профессионал ҳолда молиявий таъминламоқда. Биз Марказий Осиё—Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди билан яқин ҳамкорлик қилишга ва мазкур операция натижасида қувват ва технологияни ошириш ҳисобига корхонамизнинг ўсишига умид қиламиз.

Марказий Осиё—Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондининг вице-президенти ва Ўзбекистондаги офис бошлиғи Патрик Дики «Каноп» хусусий тадбиркорликнинг аъло намунаси ва ўзбек тадбиркорлари билан хорижий шериклар ўртасидаги мавжуд улкан имкониятларнинг яққол мисоли эканлигини таъкидлади. Биз ана шу ажойиб корхонага ва Ўзбекистон бозор иқтисодиётига инвестиция қилаётганимиздан қувончимиз чексиз. Бу Ўзбекистонда ва Марказий Осиёдаги қўшни республикаларда хусусий корхоналарни ривожлантиришга содиқлигимиз ва мададимизни кўрсатади.

Марказий Осиё ва Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди 150 миллион АҚШ долларига эга бўлган инвестиция фонди бўлиб, ушбу маблағ Марказий Осиёда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида АҚШ ҳукумати томонидан ажратилган.

ХУСУСИЙ ШИФОХОНА ОЧИЛДИ

Мирзо Улуғбек туманида янги шифохона биносининг очилиши бўлди.

Олтмиш ўринли мазкур шифо маскани бавосил ҳамда ўсма касалликларига чалинган беморларни даволайди. Шифохона АҚШ ҳамда Англияда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —

янги имкониятлардаги авиасервис

Тошкентда МДҲнинг ҳамма шаҳарлари, Россия авиакомпаниясининг барча рейсларига авиачипталарни сотиш кассалари очилди.



КВАНТ — ГЛОБАЛ —
Домодедово бирлашмасининг ваколатхонаси ва Россия ҳаво йўллари бош агентлиги.

Тел: 33-29-49.

ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ "СУВЖИҲОЗГАЗ" қўшма корхонаси

сув ва газ учун турли моделдаги хўжалик ва саноат счётчикларини таклиф қилади.

Сифатли, арзон, чидамли, бежирим.



Сизларни кутамиз.
Тошкент, Воровский кўчаси, 26
"Чкалов" метро бекати.

Телефонлар: 96-53-71, 96-70-94.
Факс: 96-14-20.



ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚКАТИГА!

"АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ"
фирмаси СИЗЛАРГА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН 300 ДАН ОРТИҚ ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

АГАР СИЗГА ОШҚОЗОН-ИЧАК, ТЕРИ-ТАНОСИЛ, ЮРАК, ҚОН-ТОМИР, ЖИГАР, БУЙРАК, АСТМА ВА АСАБ ХАСТАЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛ КЕЛАДИГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЗАРУР БЎЛСА ФИРМАМИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

ФИРМАМИЗГА ДУНЁНИНГ БАРЧА ҚИТЪАЛАРИДАН ТУРЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР КЕЛТИРИЛМОҚДА.



Сиз фирмамиздан *"Термед"* (Германия), *"Стерлинг Хелс"* (Буюк Британия), *"КРКА"* (Словения), *"Берингер Ингельхайм"* (Австрия), *"ЦИЭХ Польфа"* (Польша), *"Эссекс Кеми АГ"- "Шеринг Плау"* (АҚШ), *"W Robertson Co LTD"* (АҚШ), *"Гедеон Рихтер"* (Венгрия), Россия, Украина каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни, шунингдек, ошқозон-ичак яраларига шифо ато этувчи *"Зантак"*ни, қаттиқ оғриқни қолдирувчи *"Сольфадеин"*ни харид қилишингиз мумкин.

ШОШИЛИНГ, СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР, МАЛҲАМЛАР ФИРМАДА ИСТАГАНЧА ТОПИЛАДИ. УЛАР ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ.

Фирма сотувдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини кафолатлайди. Савдо-сотиқ пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, I-а уй (метронинг "Ғафур Ғулом" бекати).

Телефонлар:
44-24-34,
40-44-83.
40-48-06.
Факс:
40-48-53.

„МУЛОҚОТ“ саҳифаларида

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадиий журнали — «Мулоқот»нинг 7-8 сони босмадан чиқди.

Журнал ижодий жамоаси бу сонда ҳам ўзининг аввалги йўналишига — халқимизнинг маънавий ва иқтисодий ҳаётидаги энг муҳим муаммолар, бой маданий меросимиз, она-Ватан тарихининг янги, ўқилмаган саҳифаларини ёритиш анъаналарига содиқ қолган.

Таниқли адабиётшунос Иброҳим Ғафуровнинг «Маънавиятимиз булоғи» мақоласида Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда чоп этилган «Истиқлол ва маънавият» китоби атрофлича ва теран таҳлил қилинган.

Мустақиллик бизга нима берди? Унинг пойқадами юртимизда қандай кечмоқда? Таниқли олимлардан Ғайбулла ас-Салом, Ҳалимбой Бобоев, Бегали Қосимов, Низомиддин Маҳмудовлар «Истиқлол ва маънавият» анкетасига берган жавобларида юқоридаги ҳаётий масалаларга тўхталган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «Мулоқот» журнали мухбири билан суҳбатида ХДПнинг истиқлол шароитидаги фаолияти хусусида ҳикоя қилади. Таниқли файласуф Қўчқор Хоназаровнинг «Мустақилликнинг уч таянчи ва уч манбаи» мақоласида истиқлолни мустаҳкамлашнинг назарий асослари кўрсатиб берилган. Амир Темур тавалludининг 660 йиллигига бағишланган Нарзулла Аҳмедовнинг «Бир байт ўқуғони...» мақоласида соҳибқирон маърифатининг янги қирралари очилган.

Ҳасан Абдулқосимовнинг «Ортиқча одам бўлмаслик учун», Омонулла Бўриев, Маҳмуд Ҳасановнинг «Яқуб Чарҳий», Ўрол Ўтаевнинг «Гар ёғочни мақтаса очиларди гул бўлиб», Қодиржон Эргашевнинг «Навоийнинг маҳбусга мактуби», Азамат Зиёнинг «Руҳий покланиш зарурати», Назиржон Жамоловнинг «Биясиқмас» мақолалари илмий теранлиги, фактик материалларга бойлиги билан муштарийларга манзур бўлади деган умиддамиз. Шунингдек, журналнинг мазкур сонида Фахриддин Али Сафийнинг «Рашоҳот айнул ҳаёт» («Ҳаёт булоғидан томчилар») асарининг давоми «Жаҳон адабиёти хазинасидан» «Маҳобҳорат ҳикматлари» ҳамда «Ҳадислар» билан танишасиз.

«Мулоқот» дафинаси»дан, одатдагидек, ҳар тўғридаги қизиқарли воқеалар ўрин олган.

Истиқлол ва маънавият

ҚАЛБ ИНҚИЛОБИ

Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, инсон эрк деб яшайди, ҳуррият деган ҳур сўзнинг ҳукмдор бўлмоғи учун жон фидо қилади, интиқ истиқлолнинг элга эш бўлмоғидай рўшно орзу рўёби йўлида дўлу довулга қарши боради. Ана шу машаққатли ва муборак курашларнинг оқибатида жон ва танамиз бўлган Ўзбекистонимиз истиқлол билан қовушди. Толгани ўзига бўюрмаган, тили тушовли, дили дардли Ўзбекистон ўзига хос, ўзига мос, тушовсиз тараққиёт йўлига тушиб олди. Ўзбекистон фуқаролари ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, тадрижий равишда таркиб топиб бораётган янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ягона олий мақсадга — буюк келажак яратмоққа қаратилган.

Бугун тўртинчи ёшига қадам қўйган истиқлолимиз асрларга татигулик мевалар берди. Шу йилнинг 18 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида юртбошимиз куюнчаклик билан шундай дедилар: «Митингбозлик, бақир-чақирлар авжга чиққан йиллардаги шиорларни эслайлик. Улар, асосан, ватан мустақиллиги, тилимизга давлат мақомини бериш, пахта яккаҳокимлигини тугатиш, экологик вазиятни яхшилаш, деҳқонларга ер бериш, эркин иқтисодиёт барпо этиш, миллий қадриятларни тиклашдан иборат эмасмиди? Бугун айтинглар-чи, ана шуларнинг қайси бири амалга ошмасдан қолди?... Ҳаммасига осойишта, тинч йўл билан, миллатлар орасига нифоқ солмасдан, ҳеч кимни камситмасдан эришса булар экан-ку! «Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига тенглар ичра тенг бўлиб дадил кириб бормоқда. Бугун Ўзбекистон ўз овози билан, ўзгадан соз сўрамасдан сўзламоқда. Бу буюк ўзгаришлар, табиийки, кишилар маънавиятига инқилобий ўлчовларда таъсир этмоқда. Биз бугун «оламшумул» «тарихий» дейиладиган улкан ўлчовларга ҳам сиғмайдиган бениҳоя машаққатли ва мураккаб ўтиш даврини бошимиздан кечирмоқдамиз. Бадбинлик-ла тўлиб-тошган мустабид салтанатга мутеликдан некбинлик-ла бурканган муборак эркинликка ўтмоқни осон деб ўйлаш миллатнинг улуғ фидойилари — элни эркка элтмоқдай эзгу умид дея, ўктам Ўзбекистон дея, нафақат манфаат, балки ҳаёт отлиг бир марталик олий мукофотга видо айта олганларнинг абадий покиза руҳи олдида, энг ками, гуноҳи азимдир. Бу давр эмас, истиқлол абадийдир! Муваққат ўтиш давридай инжиқ имтиҳон, долғали уммондан саломат ўтмоғимиз учун, минг қатла шукрки, одил ва оқил, дадил ва доно дарғамиз бор. Муболағага ҳожату эҳтиёж йўқ, у киши бизнинг истиқлол кемамизни ўзгадан эшкак тиламасдан, элу истиқлолга чинакам эшларни сафарбар этиб, қадам-бақадам олға сурмоқдалар. Манъавияти бут ўзбек, бутун Ўзбекистон аҳли, нафақат Ўзбекистон аҳли, балки бизнинг мунтазам муваффақиятларимиздан ҳамиша ҳам, ҳуру туймайдиган бошқа юрт арбоблари ҳам буни эътироф ва эҳтиром этмоқдалар. Бу ўзбек учун, Ўзбекистон учун ифтихор эмасми?! Юртбошимизнинг беҳад куюнчаклик билан айтган «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!» деган гаплари қўзга, қулоққа эмас, қалбга хитобдир. Ислом азалдан кўзга эмас, қалбга хитоб этади. Ҳадиси шарифлардаги «Ватанни севмоқ иймондандир» деган муборак нақл қалбимиздан мангуга ўрин олмоғи лозим. Зотан, иймон қалбнинг покиза фаолиятидир. Истиқлол қалб инқилобини талаб этмоқда. Қалб инқилобисиз комил маънавиятга эришмоқ мушкул. Қалб инқилобисиз муқаддас истиқлолимиз муаллақдир. Таассуфки, манъавияти мудроқ кишилар йўқ эмас. Уларни уйғотмоқ истиқлолдай улуғ ва тансиқ неъматнинг қадру қиммати қорин қадридан юксак эканлигини англамоқ керак.

Ватандошларимиз мустақилликнинг, Президентимиз таъбирлари билан айтганда, «фақат нон билан чой эмаслигини, у, аввало маънавий, яъни одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган тушунча» эканини идрок этган ҳолда саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Аммо, афсуски, истиқлолни қорин фалсафаси билан ўлчайдиганлар ҳам борки, улар учун озодликдан, ҳур Ватандан шахсий манфаат афзал. Улар бозор иқтисодиётининг моҳияту мақсадини ҳам ўзларича талқин этадилар. Жамият тараққиётида маънавиятнинг ўрни беқиёсдир. Юртбошимиз айтганларидай, «маънавият йўқ жойда тараққиёт йўқ».

Табиийки, ахлоқ мажмуи ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятлар асосида шакланмоғи керак. Бу ўринда жуда кўп фазилатларни санаш мумкин, хусусан, ростлик, адолат, дўстлик, инсонпарвалик, бир-бирига ҳурмат, ҳамжиҳатлик, билимлилик, меҳнатсеварлик, адолатлилик, она тилига ва Ватанга муҳаббат, саховат, масъуллик, ҳалоллик ва ҳоказо. Уларнинг бирортасининг ҳам маънавий комилликдаги ўрнини камситиш мумкин эмас. Аммо ахлоқийликнинг бош белгиси ростлик, ростгўйлик дегим келади...

Кимдир: «Давлат тили ҳақидаги қонун» суст бажариляпти, уни бажариш шарт, ўзбек тилини бошқа миллат вакиллари яхши ўрганмаяптилар, муддат ўтиб кетди!» — деб айюҳаннос солади. Бу соҳада қилинган ва қилинаётган жиддий ишларни кўра олмайди, фақат ваҳима қилади. Аммо ўзи ўзбек бўла туриб, ўнта сўзни қўшиб, ўзбекча ёзолмайди, ўзбекчада тўрт жумла тўртликни ҳам эплай олмайди. Шу таҳлит бошқа бир кимса Ўзбекистоннинг Давлат мадҳиясини билишнинг шартлиги ҳақида ваъз айтади. Аммо Мадҳия матнини ўзи билмайди. Бу ростликми? Йўқ! Президентимизнинг таранг ва теран мантиқ билан юкунган сўзларини тез-тез такрорлаётган, аммо бу сўзларни амалга ошириш йўлларини билмайдиган баъзи кимсаларнинг бу ҳаракатида ростлик борми?! Улар юртбошимизнинг ширадор, ўткир мантиқли, гўзал ифодаларга бой, халқона нутқ айтиш йўлларини ўргансалар бўлмайдими?! Рост ва расо сўз буюк қудратдир. Истиқлол эса ана шу қудрат билан пойдордир. Шунинг учун ҳам, айниқса, бугун миллий ахлоқ мажмуи «ростлик» деган тушунча биланбошланмоғи керак.

Низомиддин МАҲМУДОВ.

Муҳаррир минбари

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

Қайта қуриш деган асорат даврнинг бошларида телевизорда кўрсатилган бир лавҳа хотирамга муҳрланиб қолган, негаки мен учун жиддий мулоҳазаларга туртки бўлган эди. Қардош халқнинг казо-казо арбоби билан хорижий адиб суҳбат қурарди. Суҳбатдошларнинг бири чайир ва асабий, иккинчиси тўла ва беғам. Бири куйиб-пишиб гапирар, жонсарак, чунки озод элнинг фарзанди бўлса-да, шахсий қисмати беҳаловат — қувғинда эди, иккинчиси мустамлакада яшаса ҳам ғоят хотиржам, негаки, ҳар хил рағбат нишонларига — мартаба, унвон ва ҳоказоларга «қорни тўқ»эди. Рост, бу «конфет»ларнинг ҳаммасига асорат тамғаси босилган ва жаҳон ўлчовлари бўйича қиймати йўқ эди, лекин совет кишиси деб аталмиш биз шўринг қурғурларни бу томон ҳеч хижолат қилмаҳан. Асоратдаги шоҳдан эркинликдаги гадонинг афзаллиги ҳақидаги ҳикмат унут бўлиб бизлар ғафлат домида ўз-ўзимизни тушовлаб тутқун этиб юрганмиз. Бу гаплардан мақсад — бугунги мураккаб, лекин ҳур кунларнинг қадрига етиш учун ҳар соат, ҳар дам орқага ўгирилиб кечаги кунимизни ёдда тутиш фойдадан холи эмас. Чунки чор-атрофда мислсиз тараққиёт манзаралари намоён. Бу тўкин-сочинлик асрлар давомида юзага келган. Ҳатто биз учун йўлчи юлдуз бўлиб турган демократия ҳам оддий инглиз чимзоридай неча-неча асрлар давомида шаклланган, неча-неча авлодлар томонидан сайқалланган.

Вақт тиғиз, негаки, ўзгалар асрлар давомида уддалаган ишларга бизда атиги йиллар, ҳатто ойлар ажратилган, холос. Бироқ Гессе айтганидек «замона фалокатларига йўлиққан одамлар кичкина бўлмайди». Дарҳақиқат, ўзимиз билмаганимиз ҳолда бизда шу кунларда Алпомиш журъати, шижоати яширин, шавкатли аждодларимиз руҳи бизга мададкор.

Инсон зоти табиатан шундай яралганки, тирикликнинг ҳар қандай масаласини ҳал этиш унинг қўлидан бемалол келади. Бундай масалаларнинг ақлга оидлари саноқли, нафосатга доирлари — сал кўпроқ, маънавият билан боғлиқларининг сон-саноғи йўқ. Сабаби — ёруғ оламда қанча одам ёки воқеа-ҳодиса бўлса — улар билан боғлиқ масалалар ҳам худди шунча. Янги аср бўсағасида айни инсон маънавияти билан боғлиқ масалалар биринчи ўринга чиқиб қолгани бежиз эмас. Айни маънавий кўрсаткичлар ҳаёт мазмунининг, турмуш моҳиятининг, одамийлик маъносининг бош мезони бўлиб хизмат қилади.

Зотан, янги тарихий вазиятда кечаги кундан қолган кемтик тушунчаларимиз, собиқ совет тузумидан олиб чиқилган маънавий бисотимиз бугунги том маънодаги инқилобий талабларга мутлақо жавоб бермаслиги равшан. Шу нуқтаи назардан баҳолайдиган бўлса — маънавиятимиз қашшоқ, унинг эгизи маданиятимиз ҳатто қолоқ. Улар ибтидосидан қайтадан шакллантиришга муҳтож. Шу йўналишдаги ҳаракат жамиятимизда бошланди ва бир бошланғич, бу жараён тўхташи қийин, ҳолбуки, турмушимизда мустаҳкам ўрин олган бозор шароитида, унинг метин, шафқатсиз исканжасида дастлабки босқичларда маънавий талаблар бозор қонуниятларига зид келиши, шу асосда ҳар турли зиддиятлар, қийинчиликлар туғилиши мумкин. Лекин барча мушкулотларидан қатъи назар, бу бирдан-бир тўғри йўл, ҳаёт йўли, истиқбол йўли. Қолаверса, ҳаёт-мамот масаласи.

Ҳар қандай соғлом жамиятда инсонларнинг шундай тоифаси бўладики, улар ишлаб чиқариш билан эмас, савдо-сотиқ ишлари билан эмас, балки маънавият билан, инсон руҳияти масалалари билан шуғулланадилар. Юзаки қараганда уларнинг кераги ҳам йўқдай туюлади. Лекин башарият тарихи тамоман акс ҳолни исбот этиб турибди. Асрлардан асрларга, наслардан наслларга, авлодлардан-авлодларга моддий бойликлар эмас, маънавий бисот, маънавий анъаналар мерос бўлиб ўтиб келяпти. Биноbarин, бу соҳанинг кишилари маънавий қадриятларнинг ҳам соҳиблари, ҳам бунёдкорлари сифатида келажакка, истиқболга хизмат қиладилар.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, инсоният тарихида ўтган буюк намояндаларнинг деярлик ҳаммаси, шу жумладан ўзимизнинг буюк алломаларимиз ҳам айни маънавий йўриғидаги ютуқлари билан донг чиқарганлар ва бизнинг кунларгача эъзозланадилар. Бу номларда шундай қудрат мужассамки, улар билан курашиш, уларни онгимиздан емириб ташлаш учун совет мафкураси ўз вақтида жамики имкониятларини сафарбар этган. Буни мен 60-нчи йилларда ўзбек адибларидан биринчи бўлиб Бобур мавзусига қўл урганимда ўз мисолимда, ўз қисматимда тўла синаганман. Менинг шахсий фикримча, совет даврида миллий маънавиятни бўғишга, қиришга қанча маблағ, куч ва меҳнат сарфланган бўлса, унинг оқибатларини енгиш, маънавий оламимизни мутелик ғуборларидан тозалаш, қайта тиклаш учун ундан ҳам кўп куч-қувват сарфлашимиз мақсадга мувофиқдир.

Хайриятки, бизда маънавиятга, маданиятга хизмат қиладиган зиёлиларнинг улкан табақаси мавжуд. Зеро, на маданиятни, на илму фанни, демакки, жамият тараққиётини уларсиз тасаввур қилиш қийин. Улар ҳамиша ҳар қандай жамиятнинг кўрки бўлиб, ўзларининг бой руҳиятлари, тиниқ фикрлари, теран ақлзаковатлари билан маънавий иқлим яратиб келганлар.

Таассуфки, бизнинг зиёлиларимиз истиқлол жабҳаларида ҳали ўзларини қаноатланарли даражада кўрсатганлари йўқ, бунёдкорлик жараёнида ўзларининг мустаҳкам ўрнини топганлари, ўз аҳамиятларини англаганлари йўқ. Узоқ давом этган кучли мафкуравий тазйиқ асоратларидан фориғ бўлиш, ўнгланиш, одатий руҳ қатъиятини касб этиш учун уларга бирмунча муддат зарур бўлса, эҳтимол. Ўшанда тўлақонли ижодлари билан халқимиз кўнглини тоғдек юксалтириб, диёримиз равнақига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшарлар. Давлатимиз Президенти Ислом Каримов сўзлари билан айтганда: «Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта оладилар».

Мерос

РУҲИЙ ПОКЛАНИШ ЗАРУРАТИ

(Жаҳонгир тузуклари ҳақида)

Диёримиз минглаб йиллар давомида дунёнинг энг олди илм ва маърифат маконларидан бири бўлиб келган. Савод чиқариш, маънавият ва маърифат тарғиби, буюк илмий-техникавий кашфиётлар, қудратли давлатлар барпо этиш — буларнинг бари аждодларимиз ҳаёти ва ўлкамиз тараққиётининг усулий омиллари ҳисобланган. Ўтмиш йўлимиз ҳақиқатан ҳам шундай эканлиги ҳақида араб, форс, туркий, хитой, юнон, ҳинд ва бошқа тилларда битилган беҳисоб ёзма ёдгорликлар гувоҳлик бериб турибди.

Аждодларимиздан қолган илмий, маданий меросни ўрганиш ва кенг китобхонлар, муштарийлар ҳукмига ҳавола этиш ҳозирда муҳим ва истиқболли вазифалардан бири бўлиб қолди. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида XVII аср тарихий манбаларидан «Тузуки Жаҳонгирий» ё «Жаҳонгирнома» номи-ла машҳур асарнинг баъзи бир томонларига диққатни жалб этмоқчимиз. (Неча юз варақли, ранг-баранг мазмундаги катта асар устида тўлиқ фикр юритиш бир мақола ҳажмида мумкин эмаслиги табиийдир).

Туркистонликларнинг энг қадим маданий фаолиятларидан бири бу тарихий воқеликни китоб саҳифаларига тушириб қолдиришдир. Табиийки, бундай фаолият билан одатда ўқимишли, шу соҳага рағбати бор шахслар шуғулланиб келганлар. Илмли кишилар эса ўлкамиздан кўп чиққан. Муболағасиз айтиш мумкинки, жамият маданий тараққиётида марказий мавқега эга бўлганлар ҳам шулар ҳисобланганлар. Чунончи, ёзма ёдгорликларнинг дунёга келишида уларнинг ҳам муаллиф сифатида, ҳам ҳомий, сабабчи, рағбатлантирувчи, илҳомлантирувчи омил сифатида хизматлари беқиёсдир. Масалан, бугунги кунда барчанинг ақл-заковати ва ҳиссиётини ўзига тортаётган Темурийлар сулоласининг фаолиятларини олайлик. Темурбек бобомиз қаламига мансуб «Темур тузуклари», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Иброҳим Султон, Бойсунғур Мирзо ибн Шоҳрух, Бойсунғур Мирзо ибн Сулотон Маҳмуд, Султон Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Бобур тарихий-бадиий ижодлари намуналари фикримиз далили бўла олади.

Хусусан, «Тузуки Жаҳонгирий» Бобурнинг эвараси, 1605-1627 йилларда Бобурийлар салтанатини бошқарган Нуриддин Жаҳонгир подшоҳ ижоди маҳсулидир. Бу асар кам ўрганилган, кенг китобхоналар оммасига эса деярли нотаниш деса ҳам бўлади.

Асли исми Султон Салим бўлмиш Жаҳонгир темурийлар сулоласида мавжуд анъаналарга кўра эътиборли устозлар қўлида ҳар томонлама таълим ва тарбия топади. Бунга ишорани биз асар билан танишиш борасида ҳам кўришимиз мумкин. Ўрта асрлар тарихшунослигидаги тартибларга кўра муайян бир масала ё йўналишга ихтисослашиш деярли бўлмаган. Шунинг учун ҳам «Тузуки Жаҳонгирий»да сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, манъанавий, халқаро, этник муносабатлар, тарихий география, зоология, ботаника, спорт, қурилиш, меъморчиликка оид хилма-хил, бой маълумотлар ўрин олган.

«Тузуки Жаҳонгирий»нинг яхлит асар сифатида дунё юзини кўришида Жаҳонгирдан ташқари, Муътамидхон ва Муҳаммад Ҳодий номли шахслар хизматлари ҳам бўлган. Аниқроғи, муқаддима ва 1624 йил май ойидан Шоҳ Жаҳон тахтга чиққунга қадар (1628 йил) йиллар баёни Муҳаммад Ҳодий, 1622-1624 йиллар воқеалари тафсилоти эса Муътамидхон томонидан амалга оширилган. Асарнинг асосий қисми, яъни 1605-1622 йиллар баёни Жаҳонгир қаламига мансуб. Фикримизча, уч муаллифлик асар руҳига ҳам, баён услубига ҳам ҳеч бир халал етказмаган.

Азамат ЗИЁ.

ҲАДИСЛАР

• ИККИ кишига тангри қиёмат куни раҳмат назари билан боқмайди: 1. Қариндош-уруғидан узилиб кеттан кишига. 2. Ёмон қўшнига.

• КИШИНИНГ омонатини ўз вақтида адо этинг. Кишиларнинг ҳаққига хиёнат қилманг.

• ИЛОЖИ борича одамларни олий жазога тортмасликка ҳаракат қилинглар. Лекин олий жазолар ҳам бутунлай бекор қилинмасин.

• ДУШМАН томондан бирор киши жонига омонлик сўраб келса, уни ўлдирманг.

• ЎТ-ЎЧОҒИГА қараб турган ходими хўжайинига таом тайёрлаб келганида хўжайин уни ўзи билан бирга (овқатга) ўтқизсин. Агар бирга ўтқизмаса, бир-икки ошам насиба берсин.

• ЗИЁРАТИНГИЗГА келган одамнинг ҳурматини жойига қўйинглар.

• ҚАЧОНКИ Тангри бирор подшоҳга яхшиликни хоҳласа, унга содиқ вазир ато этади: бундай вазир подшоҳ бирор нарсани унуттан вақтида эслатади. Эслаган пайтида ёрдамлашади.

• АГАР гуноҳ иш маҳфий қилинса, фақат эгаси (яъни, гуноҳкор) зарар кўради. Ошкора гуноҳ қилинганида эса ҳамма зарар кўради (яъни, бошқалар ҳам бу ёмон ишга эргаша бошлайдилар).

• САВОБЛИ иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингизда эса ҳафа бўлсангиз, демак, сиз ҳақиқий мўмин(иймонли)дирсиз.

Жаҳон адабиёти хазинасидан

«МАҲОБҲОРАТ» ҲИКМАТЛАРИ

«Маҳобҳорат» — «Буюк Бҳаратлар жангномаси» асари эрамиздан аввалги 1 минг йилликда вужудга келган (У ҳаммаси бўлиб 100000 байтни ўз ичига олган XVIII парв (китоб) дан иборат. «Маҳобҳорат» фақат икки насл — Пандузодалар ва Курузодалар ўртасидаги тож-тахт учун бўлган кураш ҳақидаги жанговарлик достони бўлмай, қатор фалсафий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий масалаларни ҳам ўз ичига олган буюк қомусдир. Достон асрлар давомида Ҳиндистондек муаззам мамлакат ҳудудларида истиқомат қилувчи турли миллат ва мазҳабга мансуб халқларнинг ҳаёти ва турмушига ижобий таъсир ўтказиб келди ва ҳамон таъсир ўтказмоқда.

«Маҳобҳорат»нинг асл нусхалари бугунги кунгача тўла сақланиб келган. У қадимги санскрит (ҳозирда бу «ўлик тил»га айланган) да битилган бўлиб, кўпроқ диний, муқаддас китоб вазифасини ўтайди.

«Маҳобҳорат»нинг ҳар бир парв (китоб)и ичида бир нечтадан мустақил асарлар жой олган. Алоҳида асар сифатида улар ҳам намойиш қилиб келинмоқда. Ўзбек китобхонлари болаларга мўлжаллаб ёзилган ва «Маҳобҳорат»нинг қисқача мазмуни ҳақида ҳикоя қилувчи «Маҳобҳорат жангномаси» китоби билан яхши таниш бўлсалар-да, «Маҳобҳорат» видеофильми орқали бу асар мазмунига яна ҳам чуқуроқ кириб бориш имконига эга бўлдилар. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ибратли ҳикматлар «Маҳобҳорат» бобларидан саралаб олинган.

***

Оила гулчамбарга ўхшайди. Гулчамбардаги гуллар дона-дона бўлиб турганидай, оила аъзолари ҳам ўз ҳолларича алоҳида-алоҳидадирлар. Бироқ оддийгина ип гулларни бир-бирига боғлаб турганидек, қандайдир бир ришта оилани ҳам жамулжам этиб туради. Бу ришта бўлмаса, на гулчамбар, на оила вужудга келади. Лекин бундан ришта агар мен бўлмасам барчаси бекор экан-да, деган хаёлга бормаслиги керак. Биргина гулдан ёки биргина риштадан гулчамбар ясаб бўлмайди. Гулчамбар гул ва ришнанинг бирлашувидан ясалади. Яхши гулчамбарда ип кўзга ташланмайди, аҳил иноқ оилада ҳам бу ришта кўздан пинҳон бўлади. Ришта кўринмаслиги керак, зеро кўринадиган нарса фақат — оиладир! Гулчамбардаги ҳар бир гулнинг ранги ва бўйи турли-турли бўлади. Бу нарса гулчамбарнинг кўрку қийматини янада ошириб юборади. Лекин рангни ранг билан, бўйни бўй билан аралаштириш керак эмас. Ўртада ҳамоҳанглик бўлиши лозим. Бу бевосита оилага ҳам тегишли. Борди-ю, мақсадлар ўртасида зиддият келиб чиқса, бунда айбдор фақат боғбондир.

***

Салтанатни муҳофаза қилиш фақат шоҳ ва шаҳзодаларнинг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи. Шоҳ ва шаҳзодалар ҳам ўз мамлакатларининг фуқаролари ҳисобланишади. Борди-ю, улар ўзларини фуқаро ҳисоблашмаса, қаттиқ янглишадилар.

***

Она қалби шу қадар кенг бўлар эканки, унга бутун олам жо бўлган. Унинг меҳридан қанча ичганинг билан доим дарёдай тошиб тураверар экан. Дунёда онадай муҳтарам зот йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Одамлар каби она меҳридан лаззат ололмагани учун ҳатто тангрининг ўзи ҳам армон қилса керак.

***

Қизим, сен тангрининг бизга иноят қилган лутфи карамисан — мушфиқу муштипарсан. Сен одамзот наслининг давомчисисан. Сен қурбон бўлсанг, одамзот наслининг узун бир авлоди нобуд бўлади.

***

Тўй-томошаю орзу-ҳаваслар, қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибатлар — барчаси юртни бошқариб турган шоҳнинг инсофи-ю аъмолига боғлиқ.

Ҳа, сен инсон боласисан! Сен ҳаммадан кучлисан! Инсон аслида тангри қудратининг ердаги тимсолидир. Қудрат борасида тангрига кам бас келибди?

***

Сиёсат деганлари шундай нарсаки, худди буқаламун каби бир зумдаёқ ўзгариши мумкин. Шу дамгача ҳеч ким уни муайян бир изга сололган эмас. Бунга сабаб: сиёсат рафторининг ўз суръати ва ўз йўналиши борлигида! Шу боисдан ҳар бир ҳукмдор ўзи юргизиб турган сиёсат учун аниқ бир мақсадни мўлжал қилиб олади. Гоҳо чор-атрофдан эсиб келаётган сиёсат шамоллари бир-бири билан тўқнашиб, дахшатли бўрон пайдо қилиши ҳам мумкин.

***

Ҳирсу ҳавас брахманга асло ярашмайди, акс ҳолда у тиланчилик билан кун кечиришга маҳкум этилади.

***

Хоҳ фотиҳа беринг, хоҳ дуоибад қилинг — барчасида эҳтиёткорлик зарур!

***

Сабрдан кучлироқ қурол, ўткирроқ илм йўқ.

***

Аёл — тангри ёрлақаган буюк зот! Аёл бўлмаса инсон ҳаёти ҳеч қачон тўкис бўлмайди. Хоҳ она бўлсин, хоҳ хотин бўлсин, хоҳ сингил ёки фарзанд бўлсин — аёл ҳамиша мукаррам ва муаззамдир! У барчадан эъзозли зотдир.

***

Кўнгилдаги ниятларини бошқаларга сездирмаслик сиёсатнинг биринчи талабидир.

***

Шуни яхши билки, тил — бу асов отга ўхшайди, уни ҳам жиловлаш керак бўлади. Моҳир чавандознинг белгиси шундаки, у отни жиловлаб, ўз измига солади! Дуч келган томонга сапчиб кетаверишига йўл қўймайди.

***

Ака, бугун туннинг ўзи ҳам ухлаётгани йўқ. Тарозининг шайини Гангазода Бҳишамнинг юрагига қадалган. Сен парво қилма, Аржун, сувни қалтак билан уриб ажратиш керак бўлса, у албатта ажралади. Ҳаёт деганлари денгизни уриб чайқайдиган ўша қалтакка ўхшайди. Ахир оби ҳаётдан заҳарни ажратиш керак-ку.

***

Ўғри қачон бўлади? Қачонки бировда ҳамма нарса бор бўлса-ю, бошқа бировда ҳеч вақо бўлмаса. Одил сиёсат эса бундай бўлишига йўл қўймайди.

***

Мен дўстман, дўстнинг мақтови билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Улуғликка муносиб бўлай десанг, эй паҳлавон йигит, сени душманинг мақтасин.

Ҳинд тилидан Амир ФАЙЗУЛЛА таржимаси.

„МУЛОҚОТ“ ўқувчиси

ДАҲОЛАР ҲАҚИДА КИТОБ

Америкалик олим Майкл Харт «Бири-биридан зиёда ва қудратли юзта тарихий шахс» номли китобига кўплаб даҳоларни жамлади ва уларнинг тарихга, жамиятга қай даражада таъсир кўрсата олгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Қудратли шахслар руйхати Муҳаммад пайғамбардан бошланади. Бунинг боиси шундаки, у фақат пайғамбар эмас, балки мусулмон динининг ташкилотчиси, асосчиси сифатида баҳоланади. Шунинг учун ҳам Исо — Христос учинчи ўринга сурилишга мажбур бўлди. Чунки христианликни бошқалар, биринчи навбатда, китобда 6-ўринни эгаллаган Павел ташкел этган ва тарқатган экан.

Руйхат бошида яна иккита буюк дин арбоблари бор. Яъни — Будда тўртинчи ва Конфуций бешинчи ўринни эгаллаган. Бироқ иккинчи урин кутилмаганда Ньютонга берилган.

Даҳолар орасида олим ва ихтирочилар кўп ўринни эгаллайди. Уларнинг сони 37 нафар. Бундан ташқари уларнинг кўпчилиги илк йигирмаликдан урин эгаллаганлар. Масалан, Гутенберг — тўққизинчи, Эйнштейн — унинчи, Пастер — ун иккинчи, Галилей — ун учинчи, Дарвин ун еттинчи ўринни эгаллаган.

Кейинги йирик гуруҳ аъзолари — сиёсатчилар ва ҳарбий арбоблардир. Уларнинг сони уттизга етади. Кейин китобдан файласуфлар урин эгаллаган бўлиб, улар ун биринчи ўринда берилган, Марксдан бошланиб 14 мутафаккир ҳақида маълумот мавжуд.

Ун битта даҳо узларини диний лидерлар сифатида намоён этганлар. Санъаткорлар китобга катта талабчанлик билан киритилганлар. Яъни адабиёт, тасвирий санъат ва музика даргаларидан иккитадан вакил олинган, холос. Шекспир— уттиз олтинчи ва Гомер — тўқсон тўртинчи, Микеланжело — қирқ тўққизинчи ва Пикассо — тўқсон еттинчи, Бетховен — қирқ иккинчи ва Бах — етмиш тўртинчи тартибда берилган.

Хронологик жадвал икки қисмга бўлиб берилади. Уларнинг биринчиси бизнинг эрамизгача бўлиб VI ва II асрлар орасини ташкил этади ва 400 йиллик муддатни ўз ичига олади. Иккинчи маънавий балоғат даври эрамизнинг XV юз йиллигидан бошланиб, ҳозирга қадар давом этаётган муддатни ишғол этади.

Даҳоларнинг географик жиҳатдан табақаланиши ҳам бир текис эмас. Африка уларнинг фақат учтасини, Лотин Америкаси эса биттасини, яъни Симон Боливарни берган, холос. Осиё инсониятга даҳоларнинг 18 нафарини, АҚШ етти нафарини инъом этган. Қолган 71 нафар даҳо Европада тавалluд топган экан. Буларнинг учтаси россиялик — Ленин ун бешинчи, Сталин етмиш учинчи, Буюк Петр тўқсон биринчи ўринни эгаллаган.

Бундай узига хос «тартиб» изоҳ талаб этиши табиий. Майкл Хартнинг тушунтиришига қараганда Ленин назарияси учун эмас, балки амалиёти учун илгари ўринни эгаллаган. Чунки у қаерга ўрнатишга улгуришган бўлмасин, уша тоталитар режимни коммунистлар яқин-яқинларгача сақлаб туришига имкон берадиган ҳокимият технологиясини ишлаб чиққан эди.

Петр, аксинча, амалиётчилар эмас, балки назариётчилар қаторига қўшилиб қолди. У уша пайтдаги «учинчи дунё» мамлакатларидан ҳарбий қудратга эга бўлишни ёқлаб чиққан биринчи лидер эди.

СПОРТ

БИРИ БИРИГА УСТОЗ, БИРИ БИРИГА ШОГИРД

Тошкентда Марказий Осиё ўйинлари байроғи ҳилпирамоқда

Орзиқиб кутилган дамлар бошланди. Тошкентда нуфузли йирик мусобақа бўлармиш деган гаплар амалга кўчди. Шу кунларда Туронзамин ёшлари — моҳир merganлар, чапдаст полвонлар, тезкор пойгачилар майдону ўйингоҳларда руҳий ва жисмоний имкониятларини намойиш этмоқдалар. Биринчи марта ташкил этилган Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими эса улкан спорт байрамига, «Пахтакор» ўйингоҳи ўзига хос тўйхонага айланди. Олқишу ҳайқириқлар баралла янгради.

Ўйингоҳни лиқ тўлдирган меҳмону мезбонлар очилиш маросимини илҳақлик билан кутадилар. Юксакликка кўтариб қўйилган беш қардош республика давлат байроқлари бир-бирларига эш бўлгандек ҳилпираб турибди. Ниҳоят эзгуликлар жарчиси карнай наъра тортади. Майдонда бобокалонларимизга хос эркинлик, озодлик, мустақиллик учун олиб борилган кураш, қиличларнинг жаранги, отларнинг дупуру кишнашлари тимсол тариқасида намоён этилади. Кейин Турон халқларининг афсонавий қаҳрамонлари — Хожимуқон, Алпомиш, Рустам Достон, Гўрўғли сифат ўғлонлар майдонда бўй кўрсатадилар. Воқеалар-воқеаларга уланиб, манзаралар алмашиб туради. Бешта байроқдор отлиқ ортидан мусобақа иштирокчилари саф тортиб ўтадилар. Мустақил беш мамлакатнинг моҳир спортчиларига мусобақа байроғини кўтариш насиб этади. Марказий Осиё ўйинлари тимсоли туширилган оппоқ байроқ виқор билан оҳиста кўтарилади.

Мусобақани кичик олимпиада дейилиши ҳам ўз исботини топди. «Мотор Оил» Греция фирмаси кўмагида қадимий олимпиада юртидан махсус самолётда Тошкентга бир кун аввал келтирилиб, Абулқосим мадрасасида сақланган машъалани ўйингоҳга етказиб келиниши ҳам ўзига хос воқеа бўлди. Алоҳида спортчилар етти босқичли йўл бўйлаб машъалани қўлма-қўл эстафета тариқасида етказиб келишди. Бунда халқаро спорт устаси Шавкат Шарипов, грециялик олимпиада чемпиони Пирос Демас, Осиё ўйинлари чемпиони Шуҳрат Аҳмедов амалга оширдилар. Охирги босқичда машъала моҳир дорбозлар сулоласининг вакили Тоҳир Тошкенбоевга берилди. У лангарни қўлига олиб, машъалани белига маҳкам тутиб, оҳиста юқорига кўтарила бошлади. Бир неча ўн метрли дор бўйлаб манзил сари одимлаш одамларда кучли таассурот қолдирди. Мухлислар машъала ёқишнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгича усули ўйлаб топилганидан мамнуният ҳосил қилдилар. Дорбоз машъалани юксакликка олиб чиқиб, уни таниқли спортчимиз Игорь Халиловга топширди. У эса прожекторларнинг кучли ёғдулари, мусиқа садоларию олқишлар остида мусобақа машъаласини ўт олдирди. Шундай қилиб қарийб бир ҳафта қизғин курашлар, муросасиз баҳслар остида ўтадиган мусобақанинг тимсоли ловуллай бошлади.

Шундан кейин юртбошимиз билан халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч мусобақанинг аҳамияти, халқаро олимпиада ҳаракатининг ривожига қўшадиган ҳиссаси, умуман Тошкентда олимпиада руҳи ҳукмрон бўлиб тургани ҳақида сўзлашди. Халқлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва бирдамликни мустаҳкамлашда аҳамияти бениҳоя бўлган Марказий Осиё ўйинлари иштирокчиларига омад ва зафар тиладилар. Мусобақа очиқ деб эълон қилинади. Шу куни ўйингоҳга тўпланганлар ва ойнаи жаҳон орқали эўр томошани кузатганлар унутилмас ва бетакрор воқеаларнинг шоҳиди бўлдилар. Халқлар ўртасидаги дўстлик ва тинчликни тараннум этувчи, одамларни эзгуликка чорловчи куй-қўшиқлар баралла янгради. Катта байрам кўзни қамаштирувчи камалакранг мушакбозлик билан якунланди.

МУСОБАҚА ОДИМЛАРИ

• **КУРАШ.** Беллашувларнинг барча турлари МҲСК спорт мажмуида давом этмоқда. Курашнинг грек-руммо тури бўйича дастлабки голиблар аниқланди. Хусусан, 48 килограмм вазнли Дмитрий Коршунов билан Қирғизистон спортчиси Бурон Қадилов ўртасида давом этган ҳал қилувчи беллашув курашчимиз фойдасига ҳал бўлди. Коршунов Марказий Осиё ўйинларини голиби бўлди. Шунингдек, Шамсиддин Худойбердиев туркманистонлик тенгқури Нурим Дюсеновни 8:2 ҳисобида енгиб, голиблик супасига кўтарилди. Эркин кураш бўйича узбекистонлик Рустам Хинчагов билан Олег Болоңсвлар ҳам ҳал қилувчи учрашувга йўлланма олишган.

• **ВОЛЕЙБОЛ.** Қизлар: Қозоғистон — Қирғизистон — 3:0, Узбекистон — Тожикистон — 3:0.

• **БОКС.** Тошкентлик Муҳаммадқодир Абдуллаев қирғизистонлик Нургали Арзиевни, узбекистонлик Наримон Отаев қозоғистонлик Нуржон Усмоновни мағлубиятга учратиб, финалга чиқишди.

• **МЕРГАНЛИК.** Вакилларимиздан Энвер Осмонов, Шуҳрат Аҳмедов, Сурайё Жумаева кичик калибрлик туппончадан нишонга олишда маҳорат кўрсатишди.

Хуан Антонио САМАРАНЧ:

ОЛИМПИАДА ҲАМ БЎЛАДИ

Марказий Осиё ўйинларининг нуфузли меҳмони Халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч, Осиё олимпиада кенгашининг бош котиби Сингх, Узбекистон миллий олимпиада қўмитасининг президенти Собир Рўзиев ва уларга ҳамроҳлик қилувчи масъул кишилар иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Мухбирларнинг саволларига жавоб берар экан Самаранч дил сўзларини изҳор этди.

— Гўзал Тошкентга утган йили илк бор келганимда истиқлол Узбекистонда, унинг юртбошиси, спортга астойдил меҳр қўйган инсон Ислом Каримов билан узаро суҳбатда узига хос ният билан эзгуликка қўл урилганди. Менинг Тошкентда Марказий Осиё ўйинлари утказилса деган таклифимни юртбошингиз ҳам чин дилдан маъқуллаган эдилар. Ўйлайманки, бу ишнинг моҳияти ҳам, хосияти ҳам узгача булади. Аввало қадимий Туронзамин халқлари уртасида олимпиада ҳаракати ривожланишига йул очилади. Оммавийлик ва маҳорат касб эта бошлайди. Мен буни утган бир йиллик муддат ичида Тошкентда амалга оширилган ишлардан қуриб турибман. Қисқа вақтда узига хос кичик олимпиадани ташкил этиш, яна биринчи булиб утказиш осон кечмаслиги аён эди. Зеро, Тошкент қўпдан бери олимпиада ўйинларини ўтказишга талабгор. Бундай юрт кишилари эса спортга чин дилдан ошуфта буладилар. Ўйлайманки, Марказий Осиё ўйинлари юксак савияда, кутаринки руҳда утади ва унинг тажрибаси келажакда қулланилади. Хайрли тадбирни мақомига етказган Тошкентда яқин келажакда Осиё ўйинларини ўтказишга замин яратилмоқда десам муболаға булмас. Демак, вақти келиб Тошкент олимпиада шаҳрига ҳам айланажак.



СУРАТЛАРДА: Марказий Осиё ўйинлари очилиши.
В. МОЛГАЧЁВ олган суратлар.

СПОРТ

СОВРИН, ДОЛЛАР ВА МАШИНА

«Президент кубоги» учун халқаро теннис мусобақаси якунланди

«...Халқаро турнир иштирокчилари ва меҳмонларига мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида: сиёсатда, иқтисодиётда, илм-фанда, маданиятда, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлаётганини айтиб ўтиш менга катта мамнуният бағишлайди». Юртбошимизнинг халқаро мусобақанинг тантанали очилиш моросимида айтган бу сўзлари истиқлол юртимиз жаҳон сари юз тутаётгани, келажакда «Узбекистон — теннис ватани» бўлиб қолишидан нишонадир. Мамлакатда спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларни ташкил этиш, жаҳон майдонларида муваффақият қозониш Узбекистонни дунёвий нуфузини ошиб боришига имкон бермоқда. Айни пайтда халқаро мусобақалар хосияти билан жаҳон бизни кашф этмоқда, биз эса жаҳонни англашга ҳаракат қиляпмиз.

Профессионал теннисчилар ўртасида иккинчи марта ўтказилган «Президент кубоги» учун халқаро мусобақа бу сафар ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Юртимизда кичик тўп ошуфталари сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Жаҳоннинг 14 мамлакатидан ташриф буюрган қирқ нафарга яқин кучли теннисчи бир неча кун мобайнида астойдил маҳорат кўрсатди. Сирасини айтганда, бу сафар юртдошларимизнинг омадлари юришмади. Хусусан, Дмитрий Томашевич, Темур Ғаниев, Темур Хонхўжаев, Вадим Куценколар биронта ҳам ғалабага эришолмай, ўйиндан чиқиб қолдилар. Ҳатто мухлислар катта умид боғлаган Олег Огородов ҳам якка баҳсда испаниялик Офер Селадан устун келиш билан қаноатланишга мажбур бўлди.

Бунинг боиси мусобақа иштирокчиларининг мақомларини ўтган йилдагига нисбатан юқори эканидадир. Бултур энг юқора ўринни эгаллаган теннисчи 85-бўлган бўлса бу сафар испаниялик Хорди Арресенинг 57-бўлиб тургани шундан нишона. Зеро, теннисчиларимиз учун бу сафарги мусобақалар маҳорат мактабига айланди. Улар жаҳон миқёсида руҳатга олинган кучлилар сафида бўлиш, мақомни кўтариш осонмаслигини яна бир бор ҳис этдилар. Аммо, чет эллик мутахассислар таъбири билан айтганда теннисчиларимизнинг келажаги порлоқ.

Бу галги мусобақада марокашлик Карим Аламининг ошиғи олчи бўлди дейиш мумкин. У якка ва жуфтлик баҳсларида ҳам қуруқ қолмади. Карим якка баҳсларда испаниялик Тати Раскон (6:1, 6:2), АҚШлик Брайан Данн (6:4, 6:4), испаниялик Эмилио Альварес (7:5, 6:4)лардан устун келиб, ярим финалда германиялик Карл-Уве Штеебни 6:2, 6:1 ҳисобида доғда қолдириб, финалга чиқди.

Испаниялик Хорди Арресе ҳам қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтди. У ҳам туртта ғалабадан кейин ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олди. Финалда бу теннисчи Карим Алами билан учрашувни ёмон бошламади. Унинг устунлиги сезилиб турди. Лекин ўйиннинг ярмига борганда Каримнинг жисмоний бақувватлиги кўзга ташлана бошлади. У биринчи ҳисобни ўз фойдасига 6:4 қилди. Танаффусдан кейинги учрашувда эса Арресе бош совриндан умидини узгандек, биронта ҳам очко ололмади. Карим Алами 6:0 ҳисобида муваффақият қозонди.

Шундай қилиб марокашлик Карим Аламининг исми АҚШлик Чак Адамсдан кейин бош совринга ёзиб қўйиладиган бўлди. Ғолибларни мукофотлаш маросими ҳам ҳаяжонли ўтди. Халқаро мусобақанинг ташкилотчиси швейцариялик тадбиркор Сассон Какшури халқаро мусобақа йилдан-йилга нуфузли бўлиб бораётганини таъкидлаб, яратилган шароит ва ташкилотчилик учун миннатдорчилик билдирди. Юртбошимиз ғолибларни табриклаб, теннис мамлакатимизда муқим ўрнашиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Ғолибларга, хусусан Карим Аламига бош совринни, Хорди Арресега чоғроқ совринни топшириб, уларга яна биттадан «ГАЗ-31» Волга енгил машиналарининг калитларини тақдим этди. Ғолиблар бу соврин ва мукофотлардан ташқари мусобақа низомига кўра тегишли долларга ҳам эга бўлдилар. Чунончи, Карим Алами якка баҳсда ғалаба қозониб 18 минг, жуфтлик учрашувларида ярим финалга чиққани учун 2700 доллар олган бўлса, Хорди Арресе иккинчи ўрин учун 10 минг 600 долларни қўлга киритди.

Жуфтлик баҳси ғолиблари—Брайан Данн (АҚШ) билан Атилла Соволт (Венгрия) 7750 доллардан олишди.

Шундай қилиб бир неча кун давом этган халқаро теннис мусобақаси мухлисларда ажиб таассурот қолдирди. Мусобақалар эса яна давом этади. Теннисчиларимиз Марказий Осиё ўйинларида, кейин «Дэвис кубоги» баҳсларида иштирок этадилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Курбоной УБАЙДУЛЛАЕВА

Курбоной опа ҳассос ижодкор. Неча ўн йилларки, у кишининг турли мавзуларда ёзган насрий ва шеъриий асарлари ўқувчилар томонидан севиб ўқилади.

Опанинг ҳаёт йўли ҳаммамиз учун катта мактаб бўлгулик десак янглишмаймиз. Боиси, у киши халқимизнинг табаррук зотларидан улкан сабоқ олган ва уларнинг нозик назарларига тушган ижодкорлардан биридир.

Дарвоқе, уларнинг элдошларига аталган дил сўзлари ва самимий юрак дардлари бор.

ЁЛҒИЗ

Эй шўхи дилафкорим, жонона ўзинг ёлғиз.
Кўнглимни асир этган пиҳҳона ўзинг ёлғиз.
Ғайрилар сўзи бирла хор этдинг менинг ишқим
Не учун бу дам қолдинг ҳайрона ўзинг ёлғиз.
Кўнглим эзилур кўрсам бу ҳоли паришонинг
Айлаб дил ўйин вайрон, ғамхона ўзинг ёлғиз.
Не хуш кун экан ул дам, ҳамрози дилим эрдинг,
Энди не учун бўлдинг бегона ўзинг ёлғиз.
Боқмай бир қиё менга ром этдинг рақиб кўнглинг,
Ишқингда мени айлаб девона ўзинг ёлғиз.
Ҳижрону фироқингда қон бўлди юрак-бағрим,
Кел энди шифо бирла мардона ўзинг ёлғиз.
Топмам висолинг излаб замину замон ичра
Ё сени яратганми бир дона ўзинг ёлғиз.
Қурбоной неча айтди, қайт деб бу йўлингдан
Қайтмайин бу дам қолдинг мастона ўзинг ёлғиз.

НЕЧУН БИЛМАЙСИЗ?

Кўрарга зору муштоқман, нечун эй ёр билмайсиз,
Фироқу ҳажрингизда қуйганим дилдор билмайсиз.
Рақиблар суҳбатин хушнуд этарга ошиқиб ҳардам,
Менинг афтода ҳолим не кечар, бир бор билмайсиз.
Бўлурму шунча ҳам номеҳрибонлик ошиқ аҳлида,
Аламдан кўзларим гирён, дилим абгор билмайсиз.
Бузиб аҳду вафо расмин, менинг ишқимни хор айлаб,
Юришдан муддао борми, бани зиҳор билмайсиз.
Вафодор бўлса ким эл ичра ҳурмат топгуси албат,
Жафокорга қачон бўлгай саодат ёр. билмайсиз.
Неча бор айтди бу сўзларни Сизга Курбоной такрор,
Топилмас Сизга мендек маҳраму асрор, билмайсиз.

НАМАНГАНГА КЕЛИНГ

Сайр этарга дўстларим, ҳар он Наманганга келинг,
Баҳра топгай кўнглингиз чандон Наманганга келинг.
Довруғи элларда достон, элсеварлар масканин,
Кўрсангиз ҳеч қолмагай армон, Наманганга келинг.
Кўз қамаштиргай ранго-ранг товланиб гулзорлари,
Сочгуси гул атрини ҳар ён, Наманганга келинг.
Гул тутиб пешвоз чиқар гул шаҳридан гулгунчалар,
Чеҳрангизни қилгуси хандон, Наманганга келинг.
Боғу бўстони хазон билмас, ҳамиша навбаҳор.
Қизлари булбулмисол хушхон, Наманганга келинг,
Тоғи тошдан шарқираб оққан суви-оби ҳаёт,
Хаста дилларга эрур дармон, Наманганга келинг.
Халқи кўп меҳмоннавозу хушгакаллуф, хушсухан,
Жон пояндозин солур чаққон, Наманганга келинг.
Эл-улус равнақи-чун жаҳду жадал эл хизматин
Мадҳ этиб ёзмоқ учун достон, Наманганга келинг.
Қанчалар мақтаб ғазал ёзса Наманган шаънига
Қурбоной ҳеч қилмагай армон, Наманганга келинг.

КЎНГИЛЛАР ХЎБ ТЎЛГАН КУН

Ҳа, мустақилликнинг тўрт йиллиги шодиёналаридан мамлакатимиз аҳлининг кўнгли тўлди дейиш мумкин. Шу куни ҳамма фақат байрам кайфиятида яшади. Шу куни ҳамма давлатимиз қудратига, унинг ёрқин келажагига умид ва катта ишонч билан қаради.

Чироқчида эса... Байрам ўзгача ўтди. Наҳорда туман меҳнаткашларига ош берилди. Шоду хуррамлик спорт ўйингоҳига кўчди. Бир ойдан кўп давом этган футбол мусобақасида 28 жамоа ва ташкилот спортчилари беллашганди. Финалда Салим Жўраев номидаги ҳамда «Узбекистон» жамоа ширкат хўжалиги спортчилари куч синашди. Шу куни илк марта марказий ўйингоҳ томошабин билан тўлди. Омад эса Салим Жўраев номли хўжалик футболчиларига бокди. Улар 3:0 ҳисобида рақибларидан устун келдилар. Камол Қораев, Нуриддин Бобоёров, Ҳамидулла Муқимовлар маҳорат кўрсатди. Ғолибларга туман ҳокимлиги ва «Ўзбекистон овози» газетасининг махсус совринлари, эсдалик совғалари топширилди.

Байрамда ким ошди савдоси ва лотерия ўйинлари ҳам ўтказилди. Яна бир кўнгилларни тўлдирган хушхабар: Ф. Хўжаев номли жамоа ширкат хўжалигининг пудратчиси Ҳолиқул Жумаев катта байрам шарафига ғалаба рапортини олиб келди. У оила-аъзолари билан 4 иш кунида 4 гектар ердан чўл шароитида пахтадан мўл ҳосил олди.

Илоё, ҳар кунимиз ана шундай қувонч-ғалабаларга тўлсин-да!

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

UZBEKISTAN airways

50% АРЗОН

ЮКЛАР – "ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" АВИАКОМПАНИЯСИ САМОЛЁТЛАРИ ОРҚАЛИ

"Ўзбекистон Ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси корхоналар, ташкилотлар ва ишбилармон кишиларга миллий авиакомпаниянинг барча халқаро йўналишлари бўйича ва МДҲ мамлакатларига юкларни жўнатиш учун рейс самолётларидан фойдаланишни таклиф этади. Жўнатиладиган юкларнинг оғирлиги 1 тоннадан ошадиган бўлса, авиакомпания юк ташиш учун белгиланган нормал тарифнинг 50% миқдорида арзонлаштиради. Бундан ташқари ҳар ҳафтанинг жума кунларида "ИЛ-76" самолётида Тошкентдан Москвага (Шереметьево аэропорти) ва Москвадан Тошкентга мунтазам юк ташиш рейси амалга оширилади. Миллий авиакомпания мижозлари Тошкент аэропортининг музлатгич ва бошқа бўлимлари бўлган омборларидан фойдаланишлари мумкин.

Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилларга мурожаат қилинг:
Тошкентда — аэропорт, юк ташиш хизмати,тел. 55-48-95, 55-18-55, 55-71-48, факс: 55-48-95, Москвада — "Ўзбекистон Ҳаво йўллари"нинг юк ташиш ваколатхонаси, тел. 238-20-52, факс: 238-85-29, Шереметьево аэропорти — тел. 578-73-58, факс: 578-73-57, Домодедово аэропорти — тел. 323-88-58.

Юкларни ҳаво транспортида жўнатиш қулай ва манфаатли.
"Ўзбекистон Ҳаво йўллари" авиакомпанияси – Сизларнинг хизматингизда!

АВИАРЕКЛАМА

"KENMORE" AMERICAN BLEND

KRUTCHIE Biscuits &waFe

"TASH — CHINVOT"

БОЗОРЛАРДА ВАҚТИНГИЗНИ КЕТКАЗМАСДАН, МАГАЗИНИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРИНГ. БИЗДА БОЗОР БАҲОЛАРИДАН АНЧА АРЗОН БЎЛГАН НАРХЛАРДА ТУРЛИ ХИЛ МОЛЛАРНИ :

Италия пойабзаллари, Италия сантехникаси (пул ўтказиш йўли билан давлат корхоналарига маъқул бўлган нархларда), вафли, печеньелар, контакт линзалари, пайпоқлар, хотин-қизлар учун ранг-баранг, юқори сифатли газмоллар, эркаклар учун ёзги шимлар, кўйлаклар, болалар учун футболкалар, ручкалар, тўплар, чарм курткалар, сув тозалаш фильтрлари, тиш ювиш пасталари, магнитафонлар, сақичлар, жаҳонга машҳур " *Морвин голд* " ҳамда " *Кенмор* " сигареталари ва бошқа кўплаб зарур сара молларни МАГАЗИНИМИЗДАН ХАРИД ЭТИШИНГИЗ МУМКИН.

Манзилимиз: Тошкент,
Нукус кўчаси, 5-уй
"ТОШ - ЧИНЁТ" магазини.
Телефонлар: 55-55-53, 59-68-70.
Факс: (3712) 54-95-36.

Биз арзонлашган нархларда нақд ва пул ўтказиш йўли билан савдо қилмоқдамиз.
Молларимиз учун кафолат берамиз.

SHAMIN SHOES

MORVEN COLD

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0382.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди 22. 00.

1 2 3 4 5 6.